

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ХАЛҚАРО ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

Нурманов Улугбек Анорбаевич

*и.ф.н., доцент, Тошкент молия институти,
Тошкент, Ўзбекистон. Email:mbt707@mail.ru
<https://orcid.org/0000-0003-1937-0872>*

INTERNATIONAL AND DOMESTIC METHODOLOGICAL APPROACHES TO THE ANALYSIS OF FUNDS IN THE STRUCTURE OF CURRENT ASSETS

Nurmanov Ulugbek Anorbayevich

*PhD in Economics, Associate Professor
Tashkent Institute of Finance, Email:mbt707@mail.ru
<https://orcid.org/0000-0003-1937-0872>*

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация. Республикада рўй бераётган турли иқтисодий ўзгаришлар натижасида ижобий кўрсаткичлар кузатилиб, ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иқтисодиётига ҳам таъсирини кўрсатмоқда. Жумладан, акциядорлик жамиятлари, хорижий давлатлар иштирокидаги қўшма корхоналар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг капитал қийматининг барқарорлигига ҳамда жорий активларига ўзининг турли йўналишлардаги таъсирини кўрсатди. Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишлари учун маълум даражада етарли миқдорда маблағларга эга бўлиши керак. Бу маблағлар хўжалик жараёнида турли хил функцияларни бажариши билан бир қаторда маблағларнинг ҳолати ва ҳаракатини тўғри амалга оширилишида иқтисодий таҳлил ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ишлаб чиқаришни амалга оширишда, маҳсулот сифатини яхшилашда, рақобатбардошлигини оширишда ва

ишлаб чиқариш жараёнининг кўламини кенгайтиришда хўжалик субъектлар фаолиятида жорий активларни таҳлили алоҳида ўрганилиши лозим. Жумладан, жорий активларни ўрганишда пул маблағлари алоҳида ўринни эгаллайди. Мазкур жорий активлар муносабатларини тўлов мажбуриятларининг бажарилишида бирламчи восита бўлиб хизмат қилади. Айниқса, ҳисоб-китоб ва валюта маблағлари маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар, ишчи-хизматчилар, бюджет, банк, сугурта ва бошқалар билан алоқа манбаи бўлганлиги сабабли ушбу масала долзарб ҳисобланади. Шу сабабли мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиши бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарорига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ҳамда халқаро молия бозорларига кириши

имкониятларини кенгайтириш тизимини такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар келтирилган.

Abstract. As a result of various economic changes taking place in the Republic, positive indicators have been observed, which in turn also have an impact on the economy of Uzbekistan in globalization processes. In particular, joint-stock companies, joint-ventures with foreign countries and other economic entities have shown their influence on the stability of capital value, as well as on current assets in various directions. Economic entities must have a certain amount of sufficient funds to carry out financial and economic activities. In addition to the fact that these funds perform various functions in the economic process, it is important to conduct an economic analysis in the correct implementation of the state and movement of funds. In the implementation of production, improving the quality of products, increasing competitiveness and expanding the scale of the production process, the analysis of current assets in the activities of economic entities should be studied separately. In particular, a special place in the study of current assets is occupied by funds. It serves as the primary means of fulfilling current assets relations in the performance of payment obligations. This issue is especially relevant due to the fact that settlement and foreign exchange funds are a source of communication with product suppliers, contractors, workers and servants, budget, bank, insurance, etc. Therefore, in accordance with the resolution of the president of the Republic of Uzbekistan No. 4611 dated February 24, 2020 "on additional measures for the transition to International Financial Reporting Standards", proposals and recommendations for improving the system

of providing foreign investors with the necessary information environment and expanding access to international financial markets "are presented in this article. Therefore, in accordance with the resolution of the president of the Republic of Uzbekistan No. 4611 dated February 24, 2020 "on additional measures for the transition to International Financial Reporting Standards", proposals and recommendations for improving the system of providing foreign investors with the necessary information environment and expanding access to international financial markets" are presented in this article.

Калим сўзлар. Жорий активлар, жорий активлар таркибида пул маблағлари, МҲХСларида пул маблағлари, операцион фаолиятдан соф фойда, соф пул оқимларини шакллантириш.

Keywords. Current assets, cash in the structure of current assets, cash in IFRS, net profit from operational activities, the formation of net cash flows.

Кириш. Жамият тараққиётининг барча жабҳаларида, энг аввало иқтисодий соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастурлар асосида жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув ва барқарор олға бориш учун мустаҳкам замин яратилмоқда.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти капитални талаб қилади. Жами капитал таркибида жорий активлар ҳар қандай шароитда асосий ва устун мавқени эгаллайди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда жорий активлардан самарали фойдаланиш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Жорий активлар ҳаракатига баҳо бериш ва ишлаб чиқариш

самарадорлигини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш ҳамда уларни хўжалик жараёнига жалб қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш муҳимдир. Жорий активлар қисқа муддатли ишлатиш учун мўлжалланган ва бир ишлаб чиқариш цикл давомида нақд пулга айлантириладиган маблағлар саналади. Шу сабабли уларни самарали ташкил этиш ва бошқариш учун қандай мезонларга кўра туркумланиши, тузулмаси ҳамда таркибий қисмлари ўртасидаги нисбат қандай бўлишлиги каби жиҳатларини ўрганиш долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарорига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) [1] ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ҳамда халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш тизимини такомиллаштириш асосий вазифа қилиб белгиланган. Бундан кўринадики, бозорда истеъмол талабининг пасайиши давом этаётгани нарх-наво ошишини чегаралаб турганлигига, қаердадир дефляция мавжудлигига қарамай, аввало, пул маблағларининг улкан эмиссияси ҳисобидан банклар ликвидлигини сақлаб туриш мақсадида банклар ва молиявий секторларнинг жуда катта миқдорда пул кредитлари билан тўлдирилиши бир қатор мамлакатларда инфляция жараёнларининг кескин кучайиб кетиш хавфини юзага келтирди. Бундай ҳолат хўжалик субъектларининг ҳам пул маблағларини тўғри бошқаришни талаб этади.

Материал метод. Хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш фаолиятини юритишда асосий ҳуқуқий

ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунининг 12-моддасида активлар ва мажбуриятларни баҳолаш тартиби келтирилган. Шунингдек, ушбу қонун билан бирга бир қатор БҲМСлар ҳам жорий активларни ҳисобга олишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳисобланади. Хусусан, 9-сонли "Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот" номли БҲМС, 15-сонли "Бухгалтерия баланси" номли БҲМСлар орқали жорий активлар ҳисоби тартибга солиб борилади [2].

МҲХС доирасида пул маблағлари бўлиб қуйидагилар тан олинади [3]:

- пул маблағлари: банкда (cash at bank, current accounts), нақд пул (cash in hand), майда пул маблағлари (petty cash); нақд пул эквивалентлари (cash equivalents); пул ҳужжатлари: ёзувлар (notes), чеклар (checks), банклардаги омонатлар (bank deposits);

- молиявий инструментлар (молиявий инвестициялар): узиш муддати кўрсатилган қимматли қоғозлар, улардан бир йил давомида олинadиган даромадлар, муддати белгиланмаган дебиторлик қарздорлик.

- бўнақлар ва олдиндан тўланadиган тўловлар;

- олдиндан тўланган ва кечиктирилган харажатлар.

IFRS (БҲХС)га мувофиқ чет эл валютасини миллий валютага конвертация қилиш (ҳисоблаб ўтказиш) бир нечта усуллар орқали амалга оширилиб, улар қуйидагиларни ўз ичига қамраб олган, яъни:

- охириги курс услуби (current rate method; closing rate – amer.). Жорий ҳисоб активлари ва мажбуриятлари (ойига, ҳафтасига) жорий ва ўртача курслар бўйича баҳоланади.

- вақтинчалик (ёки темпорал) усул. Жорий ҳисоб-китоблардаги

активлар ва мажбуриятлар амалдаги ставкалар бўйича баҳоланиб, пул муомаласининг энг сўнгги нисбати, бозор қиймати бўйича инвестицияларни қайта баҳолаш йўли билан аниқланади;

- жорий курс услуби (current, non-current method). Қисқа муддатли активлар ва мажбуриятлар қайта баҳолаш орқали жорий курслар бўйича ҳисобга олинади;

- монетар метод (monetary, non-monetary method). Пул моддалари жорий курслар бўйича охириги валюта курсида қайта ҳисоб-китоб қилинади, номолиявий моддалар жорий нархларда қайта баҳоланмайди. Пул объектлари муайян миқдордаги пулни олиш ҳуқуқини (мажбуриятини) англатади.

- ўзгартирилган (модификацияланган) жорий курс усули (modified current rate method). Баланс охириги курс бўйича қайта ҳисоблаб чиқилади. Кўпгина мамлакатларда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ўртача аниқланган сўнгги курс бўйича ҳисобланади.

Халқаро амалиётда пул муомаласи 32-сон (IAS) БҲХСда пул маблағлари айирбошлаш воситаси, барча келишувларни баҳолаш ва тан олиш воситаси сифатида қаралган. 7-сон (IAS) БҲХСда эса пул маблағлари сифатида корхона кассасидаги, жорий ва бошқа счётларидаги пуллар тан олинган. Шунингдек, пул маблағлари сингари юқори ликвидли бўлган пул эквивалентлари тушунчасига ҳам таъриф келтирилган. Пул эквивалентлари бу қисқа муддатли юқори ликвидли олдиндан маълум сумма миқдоридаги пул маблағларига айлантириш имкониятига эга ва қийматининг ўзгариш rischi жуда паст бўлган қўйилмалардир.

Хорижлик иқтисодчи олимлар Spiceland, David J., James F. Sepe, and Lawrence A. Tomassini фикрича «Пул

маблағлари ўз таркибига банкнотлар ва тангалар, ҳисоб-китоб счётларидаги қолдиқлар, шунингдек, ушбу счётларга кирим қилиниши бўйича харидорлар томонидан берилган чеклар киритилади. Пул маблағларининг ушбу кўринишлари корхонанинг қарзини қоплашга ёки жорий фаолиятда фойдаланишда ҳеч қандай ҳуқуқий ва шартномавий чекловларсиз осон қўлланилиши мумкин»[4].

Рус иқтисодчи олимларидан В.Палий ва Я.Соколовнинг таърифлашича «Бухгалтерия ҳисоби миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида пул ва ресурсларни айланиш бўйича ахборот тизими ҳисобланади. У иқтисодий фаолият натижаларини аниқлаш ва уларни назорат қилиш учун хизмат қилади» [6].

Иқтисодчи олим И.Абдукаримов «Нақд пуллар ва талаб қилиб олунга қадар депозитлар, шунингдек ҳисоб-китоб, валюта ва банкдаги бошқа счётларидаги маблағлар» дея талқин қилинган [7].

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан М.Умарова, Ў.Эшбоев ва К.Ахмаджоновларнинг фикрича «Корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобни тўғри ташкил қилиш пул маблағларидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳисоб-китоб операцияларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларни ҳисобга олишни тўғри ва рационал ташкил қилишга боғлиқ...» [8].

Пул эквивалентлари сифатида ғазначилик, қисқа муддатли тижорат векселлари, банк овердрафтлари (АҚШда улар бу гуруҳга киритилмайди), депозитлар ва бошқалар тан олинishi мумкин. Ўз ҳисоб сиёсатида хўжалик юритувчи субъектлар қайси қисқа муддатли юқори ликвидли қўйилмаларни

пул эквивалентлари деб тан олинисини белгилашлари лозим.

Натижалар. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини самарали бошқаришда пул маблағлари оқими тўғрисидаги ахборотлар муҳим рол ўйнайди. Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотлар барча даражадаги тадбиркорлар томонидан халқаро амалиётда кенг қўлланилмоқда, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар маъмуриятига ҳам, ташқи фойдаланувчиларга ҳам зарурдир. Хўжалик юритувчи субъект менежерлари мазкур маълумотлардан фойдаланиб унинг ликвидлилигини ўрганишда, дивидендларни белгилашда, иш ҳақи таъминоти ва бюджет билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши имкониятидан фойдаланишлари мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан яратилган асосий даромад келтирадиган фаолияти қанчалик бўлишидан қатъий назар пул маблағларига муҳтожлик сезилади. Пул маблағлари бизнес муомалаларини амалга ошириш, мажбуриятлар ва дивидендларни тўлаш учун зарур. Пул маблағларини бошқариш хўжалик юритувчи субъектнинг бир меъёردа ишлашини таъминлаш учун уларнинг етарлилигини баҳолашни ўз ичига олиши керак. Пул маблағларини таҳлил қилиш жараёнида уларнинг келиб тушиши (кирими) ва тўлов (чиқими) манбалари баҳоланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар пул оқимларини прогноз қилиш учун қуйидагилар бўйича маълумотлар бўлиши зарур:

- мажбуриятларнинг миқдори ва муддати;

- келгуси йил давомида маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишнинг режалаштирилган ҳажми;

- ўтган даврдаги пул оқимларини миқдорий баҳолаш.

Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотлар хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қобилятини баҳолаш ва уларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш учун зарурдир. 7-сон

IAS «Пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот» халқаро молиявий ҳисобот стандартининг мақсади операцион (жорий), инвестицион ва молиявий фаолиятдан келиб чиққан пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг тарихий ўзгаришлари тўғрисида маълумот беришдан иборат эканлиги бежиз эмас. Пул эквивалентлари қисқа муддатли, юқори ликвидли инвестициялар бўлиб, улар осонлик билан маълум миқдордаги пулга айирбошланади ва улар қийматининг ўзгариши хавфи сезиларли эмас. Пул эквивалентларига қўйиладиган асосий талаб шундан иборатки, улар инвестиция ёки бошқа мақсадларда эмас, балки қисқа муддатли мажбуриятларни тўлаш учун қўлланилишидир.


Хўжалик юритувчи субъектнинг пул оқимларини қуйидагилардан ажратади: *операцион, инвестиция ва молиявий* фаолиятлар. Бироқ, қайси харажатлар ва тушумлар операцион, инвестиция ёки молиявий фаолият сифатида таснифланиши ҳар доим ҳам аниқ эмас. Бу фаолиятнинг хусусиятидан келиб чиқиб активни сотиб олиш ёки сотиш мақсадига боғлиқдир. Масалан, кўчмас мулк узоқ муддатли актив сифатида ҳам, сотиш учун ҳам сотиб олинishi мумкин. Бундан ташқари, бир хил бизнес битими компаниянинг турли фаолияти билан боғлиқ бўлган пул оқимларини ўз ичига олади. Масалан, қарзни тўлашда унинг асосий суммасини тўлаш молиявий фаолиятга, фоизлар эса операцион фаолиятга тегишлидир.

Операцион фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимлари одатда соф фойда ёки зарарни ҳисоблашда ҳисобга олинадиган хўжалик муомалалари натижаси сифатида қаралади. МХХС ва US GAAP томонидан кўзда тутилган операцион фаолиятдан олинадиган нақд пул тушумлари ва тўловларининг асосий турлари қуйидаги расмда акс этирилган.

Мунозара. Хўжалик юритувчи субъектларида операцион фаолиятдан соф пул оқимларини аниқлаш учун 7-сон (IAS) ва 95-SFAS иккита усулни тақдим этади ҳамда уларнинг биридан хўжалик


юритувчи субъекти фойдаланиши мумкин, хусусан:

1. Ялпи нақд пул тушумлари ва тўловларининг асосий турлари



тўғрисидаги маълумотларни очиб берадиган тўғри усул;


2. Фойда ёки зарар нақд пулсиз операциялар натижаларига, операциялар



1-расм. МХХС ва US GAAPга мувофиқ операцион фаолият бўйича пул маблағларининг асосий турлари [5]

фаолиятдан олинган ҳар қандай кечиктирилган ёки ҳисобланган ўтмишдаги ёки келажакдаги нақд пул тушумлари ёки тўловларига, шунингдек, инвестициялардан пул маблағларининг кирими ёки чиқими билан боғлиқ бўлган даромад ёки харажат моддаларига мослаштирилган билвосита усул – эгри усул. Ҳисоб-китобларнинг бошланғич нуқтаси соф фойда / зарардир (солиқдан олдин ҳам фойда олиши мумкин, лекин кейин уни даромад солиғи учун мослаштириш керак). Кейин эса соф фойда / зарар миқдори ҳақиқий пул оқимини (олинган ва сарфланган)

ҳисобга олган ҳолда маълум бир тарзда тузатилади. Бунда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳар бир сатрини ҳисоблаш касса усули орқали трансформацияланади. Масалан, сотишдан тушган пул тушумларининг ҳолатини ҳисобга олсак, сотиш хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларининг кўпайишига олиб келади. Бу ҳолат кўпроқ сотиш жараёнида, яъни маҳсулот (ишлар, хизмат)лар жўнатишда содир бўлиб, унга кўра даромад ҳали пули олинмаган бўлса ҳам тан олинади.



2-расм. Операцион фаолиятдан соф фойда ва соф пул оқимларини шакллантириш [5]

Бу ҳолат кўпроқ сотиш жараёнида, яъни маҳсулот (ишлар, хизмат)лар жўнатилганда содир бўлиб, унга кўра даромад ҳали пули олинмаган бўлса ҳам тан олинади.

Хулоса.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари орқали пул оқимлари прогнозларини ҳисоблаш хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига келажакдаги инвестиция фаолиятини молиялаштириш учун етарли пул маблағлари мавжудлигини ва кредиторлар билан боғланиш зарурлигини аниқлаш имконини беради.

Молиявий ҳолатни баҳолашнинг бошқа ёндашувларидан фарқи пул оқимларини таҳлил қилиш:

- хўжалик юритувчи субъект томонидан олинган маблағлар миқдори ва қандай манбалардан олинганлиги ҳамда улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ҳақида кўпроқ асосли хулосалар чиқариш имконини беради;

- хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун етарлилиги;

- олинган фойда миқдори ва маблағларнинг мавжудлиги ўртасидаги тафовутларни тушунтиради ва ҳоказо.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун. ЎРҚ-404-сон 13.04.2016 йил.
3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС).
4. Spiceland, David J., James F. Sepe, and Lawrence A. Tomassini. Intermediate accounting, 4th ed. Irwin: McGraw-Hill, 2009.
5. Waggoner, John. M. Bailout: What the rescue of bear steams and the credit crisis mean for your investments. New Jersey: John Wiley & Sons, Inc., 2008. –P. 125.
6. Палий В.Ф. Комментарии к международным стандартам финансовой отчетности. - М.: Аскери, 1999. с.38 Я.В.Соколова. - М.: Финансы и статистика, 2000. 112 с.
7. Абдукаримов И.Т., Беспалов М.В. Финансово-экономический анализ хозяйственной деятельности коммерческих организаций (анализ деловой активности) Учебное пособие / И.Т. Абдукаримов, М.В. Беспалов. - (Высшее образование Бакалавриат)." издательство: Инфра-М ISBN: 978-5-16-005165-9 год издания: 2012. 666 с., с.345
8. Умарова М., Эшбоев Ў., Аҳмаджонов К. Бухгалтерия ҳисоби. Т.: ЎАЖБНТ маркази, 2004. 89-б.